Халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгаши

ҚАРОРИ

31 декабрь 2020 йил **№ 35-144-сон** **Янгибозор шаҳарчаси**

Янгибозор тумани 2021 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, 2021 йил учун туман маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Янгибозор тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, 2021 йилги Янгибозор тумани маҳаллий бюджетига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 31, 1 млрд.сўм (31 137 984 сўм) миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонуннинг 12-моддасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларига тегишли даражадаги маҳаллий бюджетларга ажратиладиган солиқларни ва бошқа турдаги даромадларни ҳамда бюджетлараро трансфертларни тақсимлаш ваколатидан келиб чиқиб, 2021 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари туман бюджетига тўлиқ ўтказиб берилади:

– жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

– жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

– жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг 50 фоизи;

– жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўлайдиган,шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиганжисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

– сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бунда электр станциялари томонидан тўланадиган солиқдан мустасно;

– қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

– айланмадан олинадиган солиқ;

– юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

– юридик шахсларнинг мол-мулкигасолинадиган солиқ;

– якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи;

– маҳаллий бюджетга ундириладиган ижара тўловлари.

– мобил алоқа хизматлари ва алкогол махсулоти, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолиси сонининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

3. 2021 йил учун туманнинг бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

4. Туман бюджетидан 2021 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. 2021 йил учун туман бюджети даромадлар ва харажатлар прогноз кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

7. Туман бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. 2021 йил учун туман бюджети заҳира жамғармаси ҳажмлари **0,6 млрд.сўм** (655107 сўм) миқдорида белгилансин.

Туман ҳокимлиги заҳира жамғармалари маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

9. 2021 йил учун туман бюджетининг айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам маблағлари **0,5 млрд.сўм** (535000 сўм) миқдорда 6-иловага мувофиқ белгилансин.

10. Туман бюджетида шаклланган қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишли равишда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан, туман ҳокимининг таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилиш мақсадида қабул қилиниши белгилансин.

11. Туман ҳокими, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 4-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш

эҳтимоли бўлмаса, Вилоят ҳокимиятига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади.

12. Туман ҳокими ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

13. Туман ҳокимлиги:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

14. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббусига кўра амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни молиялаштириш фақат туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

15. Туман ҳокими бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш ва бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши ва халқ депутатлари туман Кенгашига йилнинг хар чорагида ҳисобот бериб борсин.

16. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

17. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ф.Искандаров) зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Ў.Курбанов**

Халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашининг 2020 йил 31 декабрдаги 35-144-сонли қарорига 1-илова

Янгибозор туман маҳаллий бюджети даромадларининг 2021 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
I.	**Рағбатлантирувчи (Стимулирующие) даромад**	**8 739 500**
	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	*17 479 000*
	ажратма меёри	***50***
1.	маҳаллий бюджетга	8 739 500
II.	**Бириктирилган даромадлар**	**19 093 988**
	Туманга бириктирилган	**9 167 836**
1	Ягона солиқ тўлови	2 532 258
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	498 038
3	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	3 065 851
4	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ норуда	317 250
5	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	2 750 717
6	Ижара тўловлари	3 722
	Вилоят ва туман бюджети ўртасида тақсимланадиган даромадлар	**9 926 152**
1	Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ (АЗС)	2 541 921
	ажратма меёри	***100***
	маҳаллий бюджетга	2 541 921
2	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 039 686
	ажратма меёри	***100***
	маҳаллий бюджетга	1 039 686
3	Юридик шахслар ер солиғи	6 181 886
	ажратма меёри	***100***
	маҳаллий бюджетга	6 181 886
4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	162 659
	ажратма меёри	***100***
	маҳаллий бюджетга	162 659
	Жами *(маҳаллийга)*	**27 833 488**
III.	**Тақсимланувчи даромадлар *(формула бўйича)***	**7 194 340**
	Аҳоли сони (минг киши)	*88*
12.	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	4 671 640
13.	Мобил алоқага акциз солиғи	2 522 700
	Жами даромадлар	**35 027 828**
	ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР	**66 165 812**
	ТРАНСФЕРТЛАР	**31 137 984**

	жорий харажатлар	980 168,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8	**Ирригация бўлими**	**927 476,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	927 476,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9	**Молия бўлими**	**627 749,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	627 749,0
10	**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармаси**	**422 471,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	422 471,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11	**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси**	**885 002,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	885 002,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12	**Бандлик ва меҳнат муносабатлари бош бошқармаси**	**592 791,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	592 791,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13	**Ҳокимият**	**13 294 311,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	13 294 311,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14	**Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими**	**3 294 995,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 294 995,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашининг 2020 йил 31 декабрдаги 35-144-сонли қарорига 2-илова

2021 йил учун Янгибозор туман бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган парламент ажратмаларининг чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Миқдори
	Харажатлар миқдори, Жами	**66 165 812,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**66 165 812,0**
1	**Мактабгача таълим бўлими**	**8 248 987,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	8 248 987,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
2	**Халқ таълими бўлими**	**2 962 903,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 962 903,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
3	**Соғлиқни сақлаш муассасалари**	**25 067 357,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	25 067 357,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4	**Маданият бўлими**	**2 779 927,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 779 927,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
5	**Жисмоний тарбия ва спорт бўлими**	**1 265 434,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 265 434,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6	**Ободонлаштириш бошқармаси**	**4 816 241,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 816 241,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7	**Қишлоқ хўжалиги бўлими**	**980 168,0**
	шу жумладан:	

Халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашининг 2020 йил 31 декабрдаги 35-144 -сонли қарорига 3-илова

Умумдавлат солиқларидан Янгибозор туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

1.	Айланмадан солиқ	100
2.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	50
3.	Якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	100
4.	Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	100
5.	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	100
6.	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	100
7.	Юридик шахслар ер солиғи	100
8.	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	100
9.	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	100
10.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	100
11.	Ижара тўловлари	100

Халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашининг 2020 йил 31 декабрдаги 35-144 -сонли карорига 4-илова

Янгибозор туман маҳаллий бюджетларининг 2021 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

минг сўмда

Ҳудуд номи	Даромад	Харажат
Янгибозор тумани	35 027 828,0	66 165 812,0

Халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашининг 2020 йил 31 декабрдаги 35-144 -сонли қарорига 5-илова

Янгибозор туман маҳаллий бюджетларининг 2021 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Шаҳар ва туманлар	**Тартибга солувчи трансферт миқдори**
Янгибозор тумани	31 137 984,0